SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 29-sentabr. Payshanba • 116 (32.175) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бошланган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, иқтисодий салоҳият сезиларли даражада юксалди, аҳоли фаровонлиги ортди. Бу ютуқлар мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 28 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган Тахиатош иссиқлик электр станциясида бўлиб, бу ерда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 18 июндаги «Тахиатош ИЭСда 230-280 МВт қувватдаги иккита буғ-газ қурилмалари қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Умумий қуввати 730 МВт бўлган 5 энергия блогидан иборат ушбу иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Иссиқлик электр станциясида йилига 3,2 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва бунда 1,15 миллиард куб метр табиий газ ёқилади.

Янги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат катта ҳажмдаги қимматбаҳо хомашёни тежаш, балки талаб тобора ортиб бораётган электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониниии ҳам беради. Хусусан, иссиқлик электр станцияси қувватини 230-280 МВтга ошириш ҳисобидан табиий газ истеъмолини 488 миллион куб метрга камайтириш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилгач, Тахиатош иссиқлик электр станциясининг умумий қуввати 930 МВтга етади, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми эса 3,3 миллиард кВт/соатдан ошади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрининг бош режаси билан танишди. Суҳбат чоғида замонавий кўп қаватли турар жой бинолари, дам олиш масканлари, сунъий кўллар ва сув ҳавзалари барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қулай ва муносиб шароитлар яратиш кўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари давомида пахта далаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди, Кегейли тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди. Учрашувда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида ушбу ҳудудда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Йиғилишда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, қисқа муддатда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва кузги экинларни экиш, ижтимоий объектлар ҳамда уй-жойларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Замонавий, шинам уй-жойлар қуриш, коммунал хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюрди.

Урганч шаҳрида яқин йилларда қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли уйлар лойиҳаси кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилган якка тартибдаги замонавий, шинам уй-жойлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев Қўшкўпир туманида қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди. Фермерлар билан суҳбатда ер унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган навларини экиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экспорт кўрсаткичларини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, ҳудудда саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залида «UzMedExpo — 2016» IX Халқаро тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

Кўргазма Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» акциядорлик концерни, «Dori-Darmon» акциядорлик компанияси, «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Жанубий Корея, Германия, Эрон, Швейцария, Ҳиндистон, Польша ва Хитой компаниялари иштирок этмоқда. Унда тиббий лаборатория, ташхис, реабилитация жиҳозлари ва техникаси, доридармон воситалари, жарроҳлик асбоблари, тиббиёт мебеллари, тиббиёт хизматлари, даволаш-соғломлаштириш каби хизматлар намойиш қилинмоқда.

— Кўргазмадан ўрин олган юртимиз ва хорижий фирмаларнинг маҳсулотлари билан танишиб чиқдик, — дейди **Наманган вилоят диагностика маркази директори Алишер Абдуллаев.** — Аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган дори маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фирмалар билан шартнома тузмоқчимиз. Хусусан, жигар хасталикларидан халос бўлишда замонавий дорилар яратилгани ва улар яхши натижа бераётганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, кўргазмада онкологик касалликларни олдиндан аниқлаб берадиган ускунага ҳам буюртма бермоқчимиз.

— Янги клиника очганмиз, кўргазмадаги ЭКГ, УТТ, рентген аппаратларини кўздан кечиряпман, — дейди **Миришкор туман кўп тармоқли марказий поликлиника рентгенологи Жонибек Жўраев.** — Бош мия фаолиятини ва уни тўқималарини ўрганадиган ускуналарга буюртма бермоқчиман. Унинг қулайлик томони шундаки, бош мияда бўлаётган ўзгаришларни аниқ кўрсатиб беради. Биз шундан келиб чиқиб беморга керакли тавсия бериш имконига эга бўламиз.

— «UzMedExpo — 2016»га юртингиз тадбиркорлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида келдик, — дейди **Жанубий Кореянинг Isens компанияси вакили Жису Парк.** — Агар бизга ҳар томонлама маъқул шерик топиладиган бўлса, биргаликда иш бошлаймиз. Кўргазмага келишдан аввал юртингиз бозорини ўрганиб чиқиб, унинг талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар олиб келганмиз. Уларнинг нафақат нархларига, балки сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Кондаги қанд миқдорини ўлчайдиган ускунамиз кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Уни телефонга улаб, олинган маълумотларни сақлаб қўйса ҳам бўлади. Бу бемордаги қанд миқдорини назорат қилиш имконини беради.

«UzMedExpo — 2016» кўргазмаси доирасида ташкил этилган «Гўзаллик ва саломатлик» секциясида гўзаллик индустрияси, эстетика тиббиёти ва пластик жарроҳлик соҳаларидаги етакчи ишлаб чиқарувчилар иштирок этмоқда. Ушбу секция кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўляпти.

Кўргазма 30 сентябргача давом этади.

Шаҳбоз САИДОВ

■ САЙЛОВ — 2016

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларн аъзолари учун онлайн семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар округ сайлов комиссияларн аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажаги, унинг янада тараққий этиши бўлажак сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши, унда сайловчиларнинг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган, фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга. У ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида олиб боради.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўрилаётгани айтиб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди. Сайлов округлари ва округ сайлов комиссияларн шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда, халқаро кузатувчиларга таклифномалар юборилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Сайловга оид қонунларнинг округ ҳудудидаги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш шулар жумласидандир. Улар, шунингдек, сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилади. Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

Семинарда алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунийлик, сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги каби тамойилларини таъминлашга доимий эътибор бериши лозим.

Семинар-тренинг давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда матбуот марказларининг вазифалари кўрсатиб берилди. Кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси қизғин тус олмоқда. Маълумки, Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларга Президент сайловида қатнашиш учун ижозат берди. Қонунга кўра, энди сиёсий партиялар сайловчилар имзосини тўплаш ишларини амалга ошириши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғиш давом этяпти

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сиёсий партия сайловда қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умумий сонидан камида 1 фоизининг имзосини йиғиши керак. Бу кўрсаткич 214 минг 350 нафар сайловчини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси 23 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши мумкинлигини маълум қилди.

Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзосини йиғишни ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди. Партия ташкилотларининг сайловда фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида марказий, минтақавий ва маҳаллий сайлов штаблари ташкил этилди.

Жойларда имзо варақаларини тўлдириш тартиб-қоидалари сайловчиларга кенг тушунтирилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб бориляпти.

— Сайловчилар имзосини тўплаш ишлари ҳудудий, туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзоларидан иборат фаоллар кўмагида амалга оширилмоқда, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий сайлов штаби раҳбари ўринбосари Боймурод Юсупов.** — Имзо тўплаш жараёнида, шунингдек, Президент сайловининг мамлакатимиз тараққиёти ва эртанги кунини белгилашдаги аҳамияти кенг тушунтириляпти, партиямиз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотлар бериляпти.

Айни кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги Қурултойида қатнашувчи делегатларни сайлашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ БРИФИНГ

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ

очиқ-ошкора олиб бориляпти

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Округ сайлов комиссияларининг фаолиятида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳар бир округда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинглар ташкил этилиб, сайловга тайёргарлик жараёнлари хусусида атрофлича маълумот берилмоқда.

Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилган брифингда округ сайлов комиссияси раиси А.Юнусхўжаев оммавий ахборот воситалари ходимларига округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилган биринчи мажлисда қабул қилинган қарорлар ҳақида ахборот берди.

Мажлисда, хусусан, сайлов комиссияси аъзоларининг хизмат вазифалари тақсимоти, сайлов участкаларини тузишга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилганлиги маълумот сифатида айтилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун ижросини назорат қилиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида округ сайлов комиссияси аъзолари ҳудудларга бириктирилган.

Брифингда журналистларга Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташкил этилгани маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

▪ Одамларга муносиб иш шароити яратиш, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоялаш долзарб вазифадир.

МЕҲНАТГА ОИД ҲУҚУҚЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Инсоннинг устувор ҳуқуқларидан бири — меҳнат қилиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда одамларга муносиб иш шароити яратиш, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоялаш долзарб вазифадир. Янги таҳрирда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим ўрин тутади.

Ушбу қонун 23 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва 3 ой муддат ичида кучга киради.

Хўш, Қонуннинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Унда ишчи-ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қандай янги меъёрлар акс этган?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларига ана шу саволлар билан мурожаат этдик.

Саттор Раҳматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳаммамизга аёнки, кейинги йилларда республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида хусусий секторда иш берувчиларнинг сони сезиларли даражада кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда банд аҳолининг асосий қисми шу соҳада меҳнат қилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, Қонуннинг янги таҳririда иш берувчининг, ташкилотлар ходимларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтириш, давлат бошқаруви органлари ва идораларининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати бўйича лозим даражадаги назоратини таъминлаш масалалари акс этган.

Қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари юзасидан қатор меъёрлар назарда тутилган. Бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари, мажбуриятлари ҳам белгиланган.

Масалан, Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўрикларини ўтказиш тартибини тасдиқлайди. Шунингдек, ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тиғизлиги кўрсаткичлари бўйича санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди. Меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ходимларга бериладиган сутни (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини), даволаш-профилактика озиқ-овқатини, газланган тузли сувни (иссиқ цехларда ишловчилар учун) бериш нормативларини ишлаб чиқади.

Умуман олганда, мазкур Қонун ишчи-ходимларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда, меҳнат шароитларини янада яхшилашда, қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Салауатдин Худайбергенов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Меҳнат муҳофазаси инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Демак, бу борадаги қонунчиликнинг мустаҳкам бўлиши, зарур тадбирларнинг тўғри ташкил қилиниши касб касалликлари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу маънода мазкур қонун мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза этишга оид муносабатларнинг мустаҳкамланишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланишига хизмат қилади.

Қонунга кўра, Меҳнат вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир ва у бу борада ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Шунингдек, ушбу вазирлик меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чиқаришда иштирок этади. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади, келишиб олади ҳамда тасдиқлайди. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши, шу жумладан ноқулай ва алоҳида меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёзлар, компенсациялар берилиши юзасидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширади.

Алия Юнусова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонунда мажбурий тиббий кўрик бўйича муҳим меъёр акс этган. Унга кўра, иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ва умумий белгиланган пенсия ёшига етган кишиларнинг, ногиронларнинг, шунингдек, бир қатор касблар ва ишлаб чиқариш ходимларининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этиши шарт.

Тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, бундай муассасалар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам тиббий кўрикларни ўтказиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади. Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходим чиқимдор бўлмайди ва тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас. Агарда шундай ҳолат юзага келса, иш берувчи бу ходимни ишга қўймасликка ҳақлидир. Тиббий кўрикларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мазкур Қонун фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг соғлиги, ижтимоий ҳимояси кафолатланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ «ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Партиямиз Сайловолди дастурида жамиятни янгилашда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Уларни амалга оширишда партиямиз «Фаол аёллар» қаноти томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар муҳим ўрин тутмоқда.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилаётган «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови бу борада алоҳида аҳамиятга моликдир. Жорий йилнинг август ойида унинг биринчи — туман, шаҳар босқичи ўтказилди. Танловнинг илк босқич якунлари ҳақида партия фаолларининг фикрлари билан қизиқдик.

Гулшан АСАТОВА,
ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СЕКТОР МУДИРИ:

— Кўрик-танловнинг дастлабки босқичи барча ҳудудларда тасдиқланган низом талабларига мувофиқ ўтказилди. Хотин-қизлардан қатнашиш истаги билдирилиб, 2,5 мингдан ортиқ мурожаат тушгани танловга қизиқиш юқори бўлганини кўрсатади. 1-босқичда 2000 нафарга яқин опа-сингилларимиз қатнашди. Ғолиблар кейинги босқичда иштирок этиш учун йўлланма олди. Кўрик-танлов жараёнида 1800 нафардан ортиқ хотин-қиз партиямиз сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Танловнинг 2-босқичи ноябрь ойида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан ўтказилади. Ҳозир тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
ЎзХДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕКТОР МУДИРИ:

— Танловни ўтказиш давомида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кенг тарғиб қилинди. Фидойи аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Умуман, биринчи босқич туман ва шаҳарларимизда юқори савияда ташкил этилди. Иштирокчилар партиямиз электорати манфаатларига қаратилган, ҳаётий масалалар кўтарилган лойиҳаларни тақдим этишди. Бу лойиҳаларни қўллаб-қувватлашимиз, ташаббусларни амалга оширишга кўмаклашишимиз зарур. Чунки партиямиз электорати манфаатлари учун хизмат қиладиган таклифлар кўп бўляпти. Фақат ғолибларнигина эмас, ҳар бир иштирокчини рағбатлантириш масаласига эътибор қаратишимиз керак.

Санам ЖУМАМУРАТОВА,
ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ СЕКТОР МУДИРИ:

— Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизлар иштирокини кучайтириш катта аҳамиятга эга. Партиямизнинг Сайловолди дастурида ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, демократик ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш масалаларида муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур кўрик-танлов уларнинг ижросига хизмат қиляпти, деб ўйлайман.

Бизнинг ҳудудда ҳам «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловига қизиқиш билдираётган, унда иштирок этиш истагида бўлганлар оз эмас. Буни жорий йилги мурожаатлар сони ўтган йилдагига нисбатан анча кўп бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Илк босқичда иштирокчилар пухта тайёргарликка эга эканини исботлашди. Айниқса, бу «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартида яққол сезилди. Тайёргарлик жараёнида қатнашчилар хотин-қизлар ҳуқуқларига оид кўплаб қонун ҳужжатларини ўрганди, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишишди. Ўйлаймизки, танловнинг кейинги босқичлари янада қизиқарли ва самарали ўтади.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР

электорат манфаатлари ҳимоясида фаол иштирок этмоқда

Ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятда муносиб ўрин топишида ҳудудий ташкилотлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Чунки партияни бевосита жамият билан боғлайдиган, хайрихоҳлари ва тарафдорларини кўпайтирадиган, умуман, ғояларини ҳаётга татбиқ этадиган бўғин айнан маҳаллий партия ташкилотларидир. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сурхондарё вилоят кенгаши фаолиятига эътибор қаратар эканмиз, бу ердаги партия ташкилотлари ва депутатлар ишида ана шу мезонлар асосий ўринда турганига гувоҳ бўламиз.

— Айни пайтда вилоятда 35 минг нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган 797 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Чори Жумақулов.** — Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиямиздан сайланган 18, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 128 нафар депутат иш олиб бормоқда.

Партия гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, муаммоларни ўрганиш ва сессияларга киритиш борасида муҳим вазифалар белгилаб олинган. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий Кенгашлар сессияларида ички йўлларни таъмирлаш, кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, кексалар ҳамда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлардаги камчиликлар, қишлоққа саноатни олиб кириш каби қатор масалалар ўрганилмоқда. Уларнинг ижобий ҳал этилиши электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ташаббускор ва фидойи йигит-қизларни сафимизга жалб қилиш мақсадида «Истиқбол» билан юксак марралар сари», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис», «Кексалар — ёшлар эъзози ва эътиборида» ва бошқа мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиляпти. Уларнинг самараси ўлароқ, ўтган йили вилоятда минг нафардан ортиқ йигит-қиз партиямиз сафига қўшилган бўлса, жорий йилнинг ўтган етти ойида бу кўрсаткич 600 дан ошди.

— Минтақавий ташкилотлар қошида 15 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлим мудири, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Фаррух Абжалов.** — Мурожаат этувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Қабулхоналарга жорий йилнинг олти ойида 400 дан ортиқ мурожаат тушган. Ҳар бир масала жиддий ўрганилиб, уларнинг ҳозиргача 55 фоиздан ортиғи ижобий ҳал қилинди. Бу борада Термиз шаҳри, Денов, Шўрчи, Жарқўрғон ва Сариосиё туман партия кенгашлари фаоллик кўрсатмоқда. Мурожаатларни ҳал этишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, кўчма Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман ҳокимлиги вакиллари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ҳудудларда электорат вакиллари билан 50 дан ортиқ учрашув ташкил қилинди.

— Депутат халқ билан ҳамнафас бўлса, обрў-эътибор қозонади, — дейди **«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Орзикул Соатов.** — Унинг ташаббуслари, амалга оширган ишлари эл манфаатига хизмат қилса, юртимиз янада тараққий этиб, гуллаб-яшнайди. Ўтган йили депутатларимиз томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 200 дан ортиқ сўров юборилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 110 тани ташкил этмоқда. Демак, депутатлар ўз ваколат ва имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишаяпти.

— Туманимизда партиямизнинг 3 минг 650 нафар аъзоси бор, — дейди **ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев.** — Уларнинг 60 фоизга яқинини ёшлар ташкил этади. Мустақиллик байрами арафасида «Денов-Диёрбек-транс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Евромед» соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилганди. Яқинда жамоанинг 20 нафар ходими партиямиз сафига қўшилди. Биз бундан кейин ҳам аъзоларимиз сонини кўпайтиришга, аҳоли, электорат вакиллари ўртасида тарғибот ишларини кучайтиришга ҳаракат қиламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА ПАРТИЯМИЗ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАДБИРЛАРНИНГ СОНИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ, БУНДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

■ Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг қадр-қиммати янада юксалди...

МУАЛЛИМ — ҲАЁТ ЧАРОҒБОНИ

Тарбиячи. Ўқитувчи. Устоз. Мураббий. Бу сўзларнинг ҳар бири ўз маъно-моҳиятига эга бўлса-да, уларнинг асосий мазмуни яна битта калом — Муаллим атамасида мужассамдир. Муаллимни яна ҳаёт чароғбони, зиёлилар сардори, маърифат сарбони деган сифатлар билан ҳам улуғлаш мумкин.



Суратда: «Эл-юрт ҳурмати» ва «Меҳнат шуҳрати» орденлари соҳиби, Наманган давлат университети қошидаги 3-академик лицей директори Абдулҳамид Раҳматов ёшлар билан.

ЎзА сурати.

Халқимиз томонидан Муаллим, аталмиш қутлуғ унвонга сазовор бўлган мўътабар инсонларнинг касб байрамлари мустақил юртимизда умумхалқ тантанаси сифатида нишонланиши анъана тусига кирганига йигирма йил бўлаяпти.

Муаллимлар танлари ва жонларидаги меҳр-мурувватни сахийлик билан сарфлаб, мурғак ва покиза кўнгилларга маърифат ва маънавият ёдуларини — инсонийлик илмини жойлаштирадилар. Жажжи ўғил-қизларни эзгулик, яхшилик, тўғрилик, ҳалоллик, мардлик, жасурлик йўлига даъват этадилар, Ватанини, халқини севишни, ҳаётни, табиатни, инсонни қадрлашни ўргатадилар. Комилликнинг пиллапояларидан етаклаб, улар қалбига эзгу фазилатларни сингдиришга, ўз юртининг ҳақиқий эгаси, халқининг асл фарзанди қилиб вояга етказишга ўз умрларини бағишлайдилар.

Муаллим ўз сурати ва сийратида шундай олижаноб хислатларни мужассам этганки, унинг ҳар бир қиррасини мушоҳада эта туриб, беихтиёр ҳайратга тушасан киши.

Бу хислатлардан биринчиси, дарёдиллик ёки бағрикенгликдир. Масалан, деҳқон бирор экинни экиш олдидан уруғ ёки кўчатни саралайди, навини танлайди, иқлим ва тупроқ шароитига мос ёки мос эмаслигини чамалаб кўради. Ҳунарманд бирор буюмни ясаш олдидан ишлатиладиган хомашёларнинг сифатини, хусусиятини инобатга олади, қайси бирини қай тарзда ишлатишни режалаштиради.

Муаллим эса ҳеч қачон болаларни танламайди, буни хаёлига ҳам келтирмайди. Феъли-атвори турли-туман ота-оналарнинг ҳар хил оилавий шароитда ўсган, ўша муҳит таъсирида ижобий ёки салбий хусусиятлар характерига сингга бошлаган феъли-атвори ола-қура болаларнинг ҳаммасини ўйланмай, иккиланмай ўз бағрига олади ва барчасини бир кўз билан кўриб, бир кўнгил билан тарбиялашга киришади.

Феъли-атвори, тушунчаси, ақлий қобилияти, билимга иштиёқи турлича бўлган, бир-бирига ўхшамайдиган жажжи кичкинтойларнинг ўттиз-қирқтасини бир синфга жамлаб, ҳам илм сирларини ўргатиш, ҳам комил инсонлик йўлига бошлаш қанча куч-қувват, сабр-бардош, сабот ва ирода талаб қилиши тасаввурга сиғмайди. Қизиғи шундаки, ўз фарзандининг эркалиги ва тантиқлигидан безор бўлган айрим ота-оналар ҳам нажотни мактабдан, муаллимдан кутади. Ҳатто, беодоблик қилса, «Мактабингда нимани ўргатишган, муаллиминг ким ўзи?» дея ёзғиришганини ҳам кўп кўрганмиз.

Қолаверса, муаллим ҳар бир боланинг тақдирини, келажагини ўйлаб, унинг камолоти учун қайғуриб, тарбия борасида нўноқ ёки ҳафсаласиз ота-оналар билан уларнинг фарзанди учун «сан-манга» боришдан ҳам қайтмайди. Бу борада уларга нисбатан ўн, балки юз баробар жонкуярлик хислатини намоён этади.

Муаллим ҳеч қачон болаларни ёмонликка ўргатмайди, ҳар доим энг эзгу инсоний фазилатларни уларнинг қонига сингдиришга, қалбида қабоҳатли ўй-фикрлар учун заррача жой қолдирмасликка интилади ва бу билан бутун башарият ҳаётининг поклик ва гўзаллигини абадул-абад сақлашга замин яратади.

Шу боисдан мудом таълим билан тарбияни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Ўз хусусиятига кўра, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қиладиган ижтимоий фанларни ўқитганда ҳам, бир қарашда тарбияга мутлақо дахли бўлмаган математика, физика, кимё, астрономия сингари фанларни ўқитганда ҳам ўзининг биринчи ва муқаддас бурчи тарбиячилик эканини асло унутмайди.

Муаллимнинг улуғлиги шундаки, «устоз», дея этагини тутган болаларнинг ҳар бирини ўз фарзандидек кўриб, ҳаммаси бирдек билим сирларини эгаллашлари учун кучини, қобилиятини аямайди, бирдек боодоб, маданиятли, баркамол инсон бўлиб етиштириш учун ҳаракат қилади, шогирдларидан бирортаси ҳаётда адашса, унинг ота-онасидан кам куйинмайди.

Адибларни «инсон руҳининг муҳандислари», деб аташ таомилга кириб қолган. Аслида эса бу ибора бутун мазмун-моҳияти билан айнан муаллимларга мос келади. Ўнлаб болаларнинг қалбига кириш, кўнгил кечинмаларини, орзу ва интилишларини, феълидаги товланишларни ўз вақтида пайқаб, шунга яраша муносабатда бўлиш ва ҳаётнинг равон йўлига тушишига кўмаклашиш аслида унчамунча ёзувчи ёки шоирнинг қўлидан келмайди.

Аммо муаллимларнинг аксарият кўпчилиги бунинг уддасидан чиқишга қодирдир.

Муаллимни заҳматкаш ва фидойи инсон дедик. Бу муболаға эмас. Одатда деярли барча касб эгаларининг меҳнат фаолияти ишхонаси доирасида чегараланади. Ким қайси соҳада қанча кўп тер тўкмасин, ишини тугаллагандан сўнг барча ташвишлари ўша жойда қолади. Деҳқон даласидан, ишчи корхонасидан, хизматчи идорасидан чиқиши билан ўзини эркин қушдек ҳис этади. Муаллим эса юмушининг тенг ярмини уйига орқалаб келади — янги дарсга тайёрланиш, сабоғига куч ва жозиба бахш этадиган қўшимча адабиётларни варақлаш, ёзма ишларни текшириш жараёни уйи-рўзғори учун аталган вақтини олса-да, у буни ҳам азоб эмас, шараф ва бурч, деб билади. Дарсхонада берган билимидан болаларнинг кўзлари чарақлаб, диллари ёришганда тортган барча машаққати эсдан чиқиб кетади.

Муаллим зоти инсоний камтарликнинг энг олий намунасидир. У ҳеч қачон ҳеч кимдан меҳнатига яраша иззат-ҳурмат, обрў-эътибор талаб қилмайди. Шогирдларининг парвозини кўрганда боши осмонга етади. Лекин, у бирор юксак мартаба эгаси бўлса, ҳузурига таъма билан қадам босмайди. Ноилож вазиятга тушганда, илтимос билан йўқлаши мумкин, шунда ҳам қилган меҳнатларини миннат ва рўкач қилмайди. Мабодо, бирорта шогирди беоқибат чиқса, ортидан эзғириб ҳам юрмайди, давраларда ғийбатини ҳам қилмайди, аксинча ўзгаларнинг ифволаридан ҳимоя қилади. Шу аснода камтарлик ва мардлик бирлашиб, муаллимга шараф келтиради.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, муаллимлик асли халқимизнинг қонида бор хислат. Илмий ва адабий мерослари асрлар оша етиб келган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари улуғ сиймоларнинг тарих саҳнасида пайдо бўлиб, фан ва маданиятнинг ёрқин юлдузига айланиши ҳам халқимиз қонидаги маърифатга азалий ташналик ва ошноликнинг самараси бўлиш билан биргаликда ўша замонлардаёқ муаллимлик касбининг этагини тутган шарофатли устозлари меҳнатининг мевасидир. Не тонгки, бу муҳтарам зотларнинг ўзлари ҳам бизнинг кўзимиз илғамас замонлардан бери бутун башариятга илм-фаннинг ўнлаб соҳалари бўйича муаллимлик хизматини адо этиб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг қадр-қиммати янада юксалди, улар жамиятимиздаги энг мўътабар ва ҳурматли табақага айланди.

Ўтган давр мобайнида 4 минг нафарга яқин педагогларнинг давлат мукофотлари ва юксак унвонлар билан тақдирланиши ҳам бунинг ёрқин исботидир. Мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, «Эл-юрт ҳурмати», «Соғлом авлод учун», «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» орденлари соҳиблари борлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртларида минг-минглаб озод юртнинг озод фуқароларини дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар қилиб тарбиялашдек улуғвор вазифани шараф билан адо этаётган фидойи муаллимлар, шарафли касб эгалари ана шундай эҳтиром ва эъзозга муносибдир.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ТАҚДИМОТ

ҲАЙВОНОТ ВА ЎСИМЛИК ДУНЁСИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда «Экомактаб» экологик-ресурс маркази томонидан «Атроф-муҳит муҳофазасида қонунчиликнинг профилактик бузилиш талаблари ва CITES конвенцияси мажбуриятларини бажаришда кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида янги ахборот маҳсулоти тақдимоти бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳа атроф-муҳит муҳофазаси ва биологик хилма-хилликни ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда мустақиллик йилларида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий таъсири олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Экотизимлар ва атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни қайта тиклаш ишлари изчиллик билан бажарилмоқда.

Лойиҳа доирасида тасвирий-кўргазмали қўлланма тайёрланди. Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди лойиҳаси асосида ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти, Бутунжаҳон ёввойи табиатни асраш фонди, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Ёввойи ўсимлик ва ҳайвонлар халқаро савдоси кундан-кунга авж олиб бормоқда. Бу каби тижорат, айниқса, ўсимлик ва ҳайвонларнинг у мамлакатдан бу мамлакатга ноқонуний олиб ўтилиши, улар турларининг борган сари камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу қўлланмадан кўзланган мақсад — ўсимлик ва ҳайвонлар турларини аниқлашда божхона ходимларига кўмак бериш, уларнинг баъзи турларини ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш, конвенцияда белгиланган ҳамда йўқолиб кетиш хавфи бор ёввойи флора ва фауна ҳақида тушунчалар беришдан иборат. Қўлланмада Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган, CITES иловасига қўшилган ўсимлик ва ҳайвонлар, ов ўлжалари — оммавий экспорт объектлари ҳақида атрофлича маълумот келтирилган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири.

ХАБАРЛАР ТЎЛҚИНИДА

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ веб-сайти яратилди

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари temurtuzuklari.uz веб-сайт кўринишида тақдим этилди. Бу ҳақда «Дарё» сайтида хабар берилди.

Ушбу лойиҳа Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази — UzInfocom томонидан ишлаб чиқилди.

Мазкур веб-сайт «Темур тузуклари», «Солнома», «Эҳтиром», «Қизиқарли маълумотлар» бўлимлари ҳамда «Фотогалерея»дан иборат.

«ЎЗГИДРОМЕТ» МАРКАЗИДА электрон метеорологик мажмуа ишга туширилди

Гидрометеорология хизмати маркази — «Ўзгидромет»да электрон метеорологик мажмуа ишга туширилди, дея хабар беради norma.uz.

Қайд этилишича, бу мажмуа бутун дунёдан олинадиган гидрометеорология маълумотларини «Ўзгидромет» марказига етказиб беради.

Шунингдек, марказда бир қанча геостационар ва қутб-орбитал метеорологик йўлдошлар ахборотини тезкор қабул қилиш воситалари ишга туширилган.

Сўнгги русумдаги ускуна ва ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилаётгани қисқа ва узоқ муддатда об-ҳаво ҳамда иқлим ўзгаришини тезкор аниқлаш имконини беради.

ТОШКЕНТДА Халқаро электр алоқа иттифоқи семинари бўлиб ўтди

Ўзбекистонда бўлиб ўтган ICT Week АКТ ҳафталиги доирасида Халқаро электр алоқа иттифоқининг АКТ инновацион технологиялари бўйича семинари ҳам ўтказилди. Унда «Unicon.uz» мутахассислари фаол қатнашди, деб хабар беради «UzInfocom.uz».

Тадбирда республика илмий таълим муассасалари ходимлари, операторлар ва телекоммуникация воситалари ишлаб чиқарувчилари вакиллари қатнашди.

Семинарда 5G технологиялари имкониятлари, учувчисиз ҳаракатланувчи техник воситалар негизидаги тармоқлар, тактил интернет, «тўлдирилган реаллик» ва «ақлли шаҳарлар» концепцияларини жорий этишдаги муваффақиятлар ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

АҲОЛИНИНГ 92 ФОИЗИ ифлосланган ҳаводан нафас олади

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ўтказган тадқиқот натижасида сайёрамиз аҳолисининг 92 фоизи ифлосланган ҳаводан нафас олиши маълум бўлди. Бу ҳақда Новости мира сайти хабар берди.

Ҳавонинг ифлосланиши таҳдидли тарзда ўсиб бормоқда. Бу соғлиқни сақлаш учун хатарли вазиятни юзага келтирмоқда, — дейилади ЖССТ маърузасида.

Нафақат Хитой ва Ҳиндистонда, балки Европанинг кўплаб мамлакатларида ҳам ҳаво таркибидаги зарарли заррачалар миқдоридан аллақачон ошиб кетган.

«ЕВРОПА»ДА бутун ер юзидаги сувдан 2 баробар кўпроқ сув бор

Hubble космик телескопи орқали астрономлар Юпитер сайёрасининг йўлдоши бўлмиш «Европа» сатҳида катта миқдорда сув мавжудлигини аниқлашди. Бу ҳақда v-kosmose.net сайти хабар бермоқда.

Топилган океан излари йўлдошни яшаш учун шароити бор ҳудуд қаторига киритиш имконини беради, дейди NASA мутахассислари.

Олимларнинг тахминига кўра, «Европа»даги океан сувлари бутун Ер сайёрасидаги сувлардан икки баробар кўпроқдир. Лекин бу сув юзаси қалин музлар билан қопланган.

Астрономлар кейинги тадқиқотларида музликлар остини ўрганишни мўлжаллашган.

ТАКСИ ҲАЙДОВЧИСИ 500 минг долларни эгасига қайтарди

Шаржада (БАА) такси ҳайдовчиси машина ичида унутиб қолдирилган 1,7 миллион дирҳам (500 минг доллар атрофида) солинган портфелни эгасига қайтариб берди. Бу ҳақда РИА Новости ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Покистонлик киракаш Жанубий Кореядан келган бизнесменни Шаржа аэропортидан Дубайга олиб келиб қўйганидан сўнг, машинада унинг портфели қолиб кетганини пайқайди. Дарҳол полицияга хабар бериб, пулларни эгасига қайтаради.

Бу иши учун киракаш Шаржа йўл ва транспорт бошқармасининг миннатдорлик ёрлиғи ҳамда 3 минг дирҳам (800 доллар) пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Ташқи миграция масалалари агентлиги жамоаси Чет элга кетаётган фуқароларни мослаштириш ва ўқитиш маркази бош мутахассиси Улуғбек Ғаниевга онаси **Феруза ҒАНИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА 2 ТРИЛЛИОН 177,4 МИЛЛИАРД СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ. 3,1 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ЯНГИ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ.

СПОРТ

■ Йилдан-йил нуфузи ортиб бораётган Tashkent open халқаро турнири ўн саккизинчи маротаба ўтказиляпти.

Намунавий уйлар

4282 тага етди

Навоий вилоятининг 63 массивида фойдаланишга топширилган намунавий уйлар сони 4282 тага етди. Ушбу уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Уларга олиб борадиган йўллар ва кўчалар асфальт қилиниб, тадбиркорлар томонидан, дўкон ва новвойхонлар, сартарошхона ҳамда дорихонлар фаолияти йўлга қўйилган.

Келгуси йили вилоятда яна 924 уй ўз эгаларига топширилади.

— Бундай уйларнинг айнан қишлоқларда қурилиши аҳолининг ҳаёт сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди **меҳнат фахрийси Жўракул Турсунов**. — Уйларнинг ёнида болалар учун махсус майдончаларнинг қурилаётгани эса ота-оналарни хурсанд қилмоқда.

Янги меҳмонхона, янги иш ўринлари

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида 120 ўринли янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Ташландиқ ҳолатдаги бино «Зарафшон овози» МЧЖ томонидан 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига қайта таъмирланди.

Меҳмонхона ишга тушгач, яратилган йигирмадан зиёд янги иш ўрнига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қабул қилинди.

Замон талаблари асосида жиҳозланган кутубхона, спорт зали, сартарошхона, гўзаллик салони, ресторан хизматидан меҳмонлар мамнун бўлмоқда.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент кортларида

дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган теннисчилар ғолиблик учун курашмоқда

Шу кунларда пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида WTA (Халқаро аёллар теннис уюшмаси)нинг анъанавий Tashkent open халқаро турнири қизғин давом этяпти.

Умумий совриндорлар сони 250000 АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Буюк Британия, Болгария, Россия, Руминия, Словакия, Испания, Италия, Хорватия, Швейцария, Япония, Греция, Туркия, Украина каби йигирмага яқин давлат ракеткачилари кортга чиқмоқда.

Йилдан-йил нуфузи ортиб бораётган Tashkent open халқаро турнири ўн саккизинчи маротаба ўтказиляпти. Ўз вақтида Тошкент кортларида маҳоратларини намойиш этган франциялик Мэрион Бартоли, Полин Парментье, чехиялик Николь Вайдишова, россиялик Елена Дементьева, Динара Сафина, Мария Кириленко, Алла Кудрявцева, италиялик Франческа Скьявоне, Татьяна Гарбин, словакиялик Магдалена Рибарикова, ҳиндистонлик Сония Мирза, хитойлик Ли На, америкалик Меган Шонесси, исроиллик Шахар Пеер, беларуслик Виктория Азаренко ва германиялик Сабин Лисицкилар бугун жаҳон аёллар теннис таснифида юқори натижалар қайд этаётганлиги эътиборлидир.

— Бу йилги баҳсларда ўзбекистонлик мухлислар дунё теннис таснифида кучли юзликдан жой эгаллаган ўн етти нафар ракетка усталарининг чиқишларидан баҳраманд бўлишмоқда, — дейди **мусобақа супервайзери Кериллин Кремер.**

— Улар орасида йирик халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари словакиялик Анна-Каролина Шмидлова (WTA таснифида 57-поғона), бельгиялик Кирстен Флипкенс (60), швециялик Юханна Ларссон (67), туркиялик Чагла Буюкакчай (69), япониялик Нао Хибино (72)ларнинг борлиги эса Tashkent open учрашувларига ўзгача шиддат олиб кирганлиги шубҳасиз.

Мусобақада мамлакатимиз мутахассислари Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова, Оқгул Омонмуродова, Арина Фольц ва Камола Умарова сингари теннисчиларимизга ишонч билдиришган.

Турнирнинг яккалик учрашувлари дастлабки босқичида ҳамюртимиз Сабина Шарипова швейцариялик Стефания Воегелега қарши кортга чиқди. 1 соату 19 дақиқа давом этган баҳсда теннисчимизга бироз омад етишмади — 5/7, 7/5, 5/7. Яна бир умидли ракеткачимиз Камола Умарова қуръага кўра, япониялик Нао Хибино билан куч синашди — 3/6, 1/6.

Жуфтлик баҳсларини теннисчиларимиз муваффақиятли бошладилар: **Оқгул Омонмуродова (Ўзбекистон)**/Виталия Диатченко (Россия) — Жакуэлина Сако (АҚШ)/Эмели Уэблей-Смит (Буюк Британия) — 6/2, 4/6, 10/7, **Полина Меренкова (Ўзбекистон)**/Даяна Ястремска (Украина) — Прартхана Зомбаре (Ҳиндистон)/Нао Хибино (Япония) — 4/6, 6/3, 10/8.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

ЁҒМАЙ ЎТГАН ЁМҒИРДАН ЎПКАЛАМА

Айрим пайтларда булут ола бўлади-да, ёмғир баъзи ерларга ёғиб, баъзи ерларга ёғмай ўтиб кетади. Одатда ҳеч ким бундай ёмғирдан ўпкалаб, гина қилиб юрмайди. Мазкур мақолни баъзан: «Фалончининг тўйи, зиёфатидан умидланиб юрган эдим. Нега мени айтмади-я, деб ўпкалама. Ўтган иш – ўтди-кетди», деган маънода; баъзан эса: «Аттанг, фалон нарса бошқаларга тегди-ю, менга тегмай қолди ёхуд фалон нарсадан фойдалана олмадимда, деб афсусланма. Ўтган ишга – саловат», деган маънода қўллайдилар.

ЁПИҒЛИК ҚОЗОН ЁПИҚЛИК ҚОЛСИН

Мазмуни: «Бу гап шу ерда қолсин, ҳеч кимга айтма» ёхуд «Бу сир пинҳоний бўлиб қолсин, ҳеч ким ундан воқиф бўлмасин» дейилмоқчи.

ЁТГАН ИЛОННИНГ БОШИНИ ҚЎЗҒАТМА

«Ётган илоннинг қуйруғини босма»; «Ётган илоннинг думини босма. У сенга эмасдир тасма». Бу мақоллар билан: «Ўз жойида тинч ётган, сен билан иши ҳам бўлмаётган, сенга зиёнзахмат етказмаётган душманнинг, рақибнинг, бирор одамнинг ё ҳайвоннинг жиғига тегиб, тегажоқлик қилиб, унинг аччиғини чиқазма. Нима қиласан, ўз бошингга ўзинг ташвиш орттириб?!» Ёхуд «Аллақачон босилиб, тинчиб кетган гина қудратни, даъвожанжални қайтадан қўзғама. Нима қиласан, ўз бошингга ўзинг ғалва орттириб?!» дейилмоқчи.

■ РЕКЛАМА

Qishloq Qurilish Bank

Барча устозларни
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни
умумхалқ байрами билан табриклаймиз
ва уларнинг шарафли фаолиятига
муваффақиятлар тилаймиз!



ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«ЮҚОРИ ДАРОМАД» —
омонатга маблағлар 8 ой муддатга қабул қилинади.
Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади ва омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

«ОМАД» —
омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра, олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4,8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Saidkamol XODJAYEV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV, Hotamjon KETMONOV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Ulug‘bek VAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA, Rustam KAMILOV, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21:20
Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO‘ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6